

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАЕВ БАХОДИР ЗАЙНИДДИНОВИЧ**

**ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗНЛИ БЕМОРЛАРДА**  
**ГИПЕРЛИПИДЕМИЯНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ВА ГЕНЕТИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Джумаев Баходир Зайниддинович**

Ортиқча тана вазнли беморларда гиперлипидемиянинг клиник-  
лаборатор ва генетик хусусиятлари..... 5

**Джумаев Баходир Зайниддинович**

Клинико-лабораторные и генетические особенности гиперлипидемии у  
больных с избыточной массой тела..... 25

**Djumaev Bahodir Zayniddinovich**

**Clinical, laboratory and genetic features of hyperlipidemia in overweight  
patients..... 47**

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАЕВ БАХОДИР ЗАЙНИДДИНОВИЧ**

**ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗНЛИ БЕМОРЛАРДА**  
**ГИПЕРЛИПИДЕМИЯНИНГ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР ВА ГЕНЕТИК**  
**ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib856 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Нурбаев Фармон Эргашович  
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Ҳамроев Аброр Асрорович  
тиббиёт фанлари доктори

Мусаев Максуд Раззакович  
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.tib.123.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» октябрь кuni соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Ўзбекистон, Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси 28-уй. Tel +(99862) 224 84 84, Email [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Ўзбекистон, Урганч шаҳри, Аль-Хоразмий кўчаси 28-уй. Tel +(99862) 224 84 84, Email [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz).)

Диссертация автореферати 2021 йил «15» октябрь кuni тарқатилди.  
(2021 йил «15» октябрь даги 5 рақамли реестр баённомаси).



Р.Ю. Рузибаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

З.Ф. Джуманиязова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Р.Б. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Бугунги кунда дунё аҳолиси орасида кенг тарқалган ортиқча тана вазни ва семизлик одамлар ҳаёт сифатини ёмонлаштирибгина қолмай, балки юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимларида патологик ҳолатлар ривожланишига сабаб бўлади, инсон организими барча аъзолари функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари маълумотларига кўра, «...дунёда катта ёшдаги аҳолининг 12% и семизликдан азият чекади, шунингдек, 35% и ортиқча тана вазнига эга»<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтда бу ҳолатнинг учраш даражаси, ўсмирлар ва ёшлар орасида ортиши турли асоратларни келтириб чиқариши исботланган. Ортиқча тана вазни ва семизликнинг гиперлипидемия, генотипга боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топиши борасидаги илмий-тадқиқот ишлари бугунги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганини эътироф этиш жоиз.

Дунёда семизлик ва ортиқча вазн турли соматик касалликлар келиб чиқишининг хавф омили бўлиши, улар шаклланиши ва ривожланишида клиник-лаборатор, генетик омиллар ва гиперлипидемиянинг ўрни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, шунингдек, ушбу шахсларни даволаш ва бу ҳолатларнинг олдини олиш учун кўплаб самарали тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Семириш хавфи билан боғлиқ геномнинг аксарият қисми ҳали ҳам номаълум бўлган, семизлик патогенезига алоқадор бўлган генларни танлаш бўйича генетик тадқиқотлар ҳануз давом этмоқда. Семизлик ва ортиқча тана вазни ривожланиши фонида юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари келиб чиқишида юқори ва паст зичликдаги липопротеидларнинг ўрни ҳамда уларнинг шу патологик ҳолатлар келиб чиқишига сабабчи генетик омилар билан боғлиқлиги ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган асосий тиббий муаммолардан бири эканлиги ҳам дунё мутахассислари томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, жумладан, иш қобилиятини пасайишига олиб келадиган ортиқча тана вазн ва семизликни олдини олиш борасида ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, сурункали касалликларни эрта аниқлаш, даволашнинг самарали усуллари тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплиги ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда аҳоли орасида ортиқча тана вазн ва семизлик олдини олишда хавф омилларини эрта аниқлаш, коморбид ҳолатларини бартараф этиш ва тўғри даво усуллари такомиллаштириш,

---

<sup>1</sup> Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотлари, 2018

ортиқча тана вазн ва семизлик касаллиги асоратларини камайтириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология риволанишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 1980 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда дунёда семизликдан азият чекадиганлар эркакларда 28,8% дан 36,9% гача, аёлларда 29,8% дан 38,0% гача ошган. Болалар ва ўсмирлар орасида семиришнинг тарқалиши ривожланган мамлакатларда сезиларли даражада ошган - ўғил болалар орасида 23,8% ва қизлар орасида 22,6% ни ташкил қилган (Тутельян В.Р. ва ҳаммуал., 2014; Misra A. et al., 2015).

Замонавий жаҳон адабиётида кўпгина олиб борилган тадқиқот натижалари ортиқча тана вазн ва семизлик натижасида ҳар хил юрак қон-томир ва ҳаракат-таянч тизим касалликлари келиб чиқиши исботланган. (Солнцева А.В. ва ҳаммуал., 2013; Стародудцова А.В., 2015; Нурбоев Ф.Э. ва ҳаммуал., 2018). Ушбу ортиқча тана вазн ва семизлик касаллик натижасида инсон организмнинг барча органларида ўзгаришлар кузатилади. Ортиқча тана вазн ва семизлик кўп сабабли касаллик бўлиб, касалликни ташхислаш ва даволашнинг бир неча усуллари қўлланилмоқда. Ортиқча тана вазни ва семизликни ташхислаш учун антропометрик маълумотларга таяниб, тана оғирлиги индекси аниқланади. Гиперлипидемия даражасига қараб одам организмдаги ортиқча тана вазни ва семизликка олиб келадиган ген ва генотипларни аниқлаш усуллари ҳам қўлланилади (Михалева О.Г., 2014; Мавлонов И.Р. ва ҳаммуал., 2019; Smith C., 2015).

Семизлик генетик ва ташқи муҳит омилларининг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлган полиген касаллик ҳисобланади, ҳозирги кунда ортиқча вазн ва семизлик ўлимга олиб келадиган бешта асосий хавф

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

омилларидан биридир. Патогенетик нуқтаи назардан семириш ёғ тўқимасида триглицеридларнинг ортиқча жамланиб бораётганлиги ва уларни эркин ёғ кислоталари сифатида чиқиб кетиши натижасида ҳосил бўлади, аммо бу кўрсаткичларнинг ўзгариш чегаралари генотипнинг назорати остидалиги аниқланган (Гадаев А.Г. ва ҳаммуал., 2017; Абдуллаев Р.Б. ва ҳаммуал., 2019; Arovion C. et al., 2015).

Солнцева А.В. ва ҳаммуал. (2015) тадқиқотларида 11 та ҳолатдан биттасида нуклеотид мутациялар, семизликнинг моноген шакллари билан боғлиқ 50 та локуслар ўрганилган, 244 нокаут моделлар ёки ҳайвонларда трансген моделлар ва 127 та номзод генлар тасвирланган. Бироқ, полиген семиришни ўрганишда ушбу генларнинг полиморф вариантлари таҳлил қилинганда, репродуктивлик фақат 25 локуслар учун олинган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, семизлик генетикасидаги асосий кашфиётлардан бири бу генларни оилавий тадқиқотлар ҳамда уларнинг тўйинганлик ва очлик ҳисси учун масъул бўлган полиморф вариантларини аниқлаш бўлган (O'Rahilly J.R., 2009).

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2019.PhD.041) «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташҳислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади.** Ортиқча вазнли беморлар организмида ёғларнинг метаболизмини назорат қилувчи генлар полиморфизми ва уларнинг гиперлипидемия турлари билан боғлиқлиги клиник-лаборатор ва генетик хусусиятларларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ортиқча вазнли юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари ташҳисланган беморларда қон липидлари спектри ва гиперлипидемиянинг турлари бўйича тузилишини аниқлаш ва баҳолаш;

ортиқча вазнли юрак қон-томир, таянч-ҳаракат тизимлари хасталиклари кузатилган беморларда ADRB2, ADRB3, PPARG2 генларининг генотиплари учраш частоталарини ўрганиш;

ўрганилган беморларда ADRB2, ADRB3, PPARG2 генлари полиморфизмининг гиперлипидемия тури билан боғлиқлигини ўрганиш;

липид метаболизми учун жавоб берадиган ген полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда гиперлипидемияни даволаш ёндашувлари тамоийлларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019-2020 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Жондор туман тиббиёт бирлашмаси бўлимларида стационар шароитда даволанган 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган

юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари ташҳисланган 110 нафар бемор олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ўрганилган беморларнинг ортиқча тана вазни индекси, қон ва қон зардоби ҳамда 3 турдаги ген ва 7 турдаги генотиплари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, клиник-инструментал, биокимёвий, генетик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор юрак қон-томир тизими касалликлари кузатилган ортиқча вазнли беморлар организмида липид метаболизми учун жавобгар ген ва генотипларнинг полиморфизми, учраш частотаси аниқланган;

юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари хасталиклари ташҳисланган ортиқча тана вазнига эга беморларда гиперлипидемия турлари бўйича организмдаги липид метаболизми учун жавоб берадиган ген ва генотипларнинг аллеллик вариантлари ассоциалари баҳоланган;

илк бор таянч-ҳаракат тизими касалликлари ташҳисланган ортиқча тана вазнига эга беморлар организмида липид метаболизми учун жавоб берадиган ген ва генотиплар полиморфизми учраш частотаси аниқланган;

илк бор ортиқча вазнли беморларни комплекс даволашда ADRB2, ADRB3 ва PPARG2 генотиплари ассоциацияси асосида ишлаб чиқилган парҳездан фойдаланиш тана массаси индекси, умумий холестерин миқдорининг пасайишига олиб келиши моддалар алмашинувининг индивидуал генетик хусусиятга боғлиқлиги, юрак-қон томир тизими ва мушак-скелет тизими касалликлари бўлган ортиқча вазнли беморлар орасида генетик мойиллиги бўлган беморларнинг рационал овқатланишга нисбати паст углеводли диетага қараганда юқори эканлиги аниқланди;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари ташҳисланган ортиқча тана вазнига эга беморларда ADRB2, ADRB3, PPARG2 генлари генотипларининг учраш частоталари ўзгариши аниқланган;

ADRB2, ADRB3, PPARG2 генлари полиморфизмининг гиперлипидемия тури билан боғлиқ кўрсаткичларининг ўзгариши исботланган;

юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари кузатилган ортиқча тана вазнли беморларда липид метаболизми учун жавоб берадиган генлар полиморфизмининг аниқланган хусусиятлари асосида даволаш тамойиллари амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, ўзаро бир бирини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, генетик усуллардан фойдаланилганлиги, барча рақамли маълумотлар компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги,



шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари кузатилган ортиқча вазнли беморлар организмда липид метаболизми учун жавобгар ген ва генотипларнинг полиморфизми аниқланганлиги, ушбу касалликлар ташҳисланган ортиқча тана вазнига эга беморларда гиперлипидемия турлари бўйича организмдаги липид метаболизми учун жавоб берадиган ген ва генотипларнинг аллеллик вариантлари ассоциацияси баҳоланганлиги, организмда липид метаболизми учун жавоб берадиган ген ва генотиплар полиморфизмини ўрганиш асосида гиперлипидемияни индивидуал даволаш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари ташҳисланган ортиқча тана вазнига эга беморларда ADRB2, ADBR3, PPARG2 генлари генотипларининг учраш частоталари ўзгариши аниқланганлиги, ADRB2, ADBR3, PPARG2 генлари полиморфизмининг гиперлипидемия тури билан боғлиқ кўрсаткичларининг ўзгариши исботланганлиги, юрак қон-томир ва таянч-ҳаракат тизимлари касалликлари кузатилган ортиқча тана вазнли беморларда липид метаболизми учун жавоб берадиган генлар полиморфизмининг аниқланган хусусиятлари асосида даволаш тамойиллари амалиётга жорий этиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

ортиқча тана вазнли беморларда гиперлипидемия клиник-лаборатор ва генетик хусусиятлари, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

касалликнинг хавф омиллари ва ортиқча тана вазнли беморларда аниқланган касалликнинг асоратларини олдини олиш бўйича илмий натижалар асосида «Ортиқча тана вазн ва семизликка мойил бўлган беморларда ген ва генотиплар полиморфизмини аниқлаш ва диетотерапия тавсия қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 8н-д/125-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларда ортиқча тана вазни тиббий ва ижтимоий жиҳатларини қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштиришнинг муқобил вариантини танлаш имконини берган;

ортиқча тана вазнли беморларда клиник-функционал текширувларнинг ташҳисий баҳоси бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилояти кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва Бухоро вилояти Жондор туман тиббиёт бирлашмасига тадбиқ этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 20 декабрдаги 8н-р/611-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга

тадқиқ этилиши ортиқча тана вазнли беморларни касалликларни ташҳислаш сифатини яхшилаш, улар асоратларини 2,3 бараварга камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, улардан 5 таси журнал мақолалари бўлиб, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этилиши учун тавсия этилган халқаро илмий-амалий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Ортиқча тана вазнига эга бўлган беморларда гиперлипидемиянинг клиник-лаборатор ҳамда генетик хусусиятлари ҳақида замонавий қарашлар»** бўйича охириги йиллар ватандош ва хорижий тадқиқотчилар илмий манбалари шарҳи келтирилган. Унда турли патологияли беморларда ADRB2, ADRB3, PPARG2 генлари ва улар генотипларининг учраш частотаси, липид метаболизми учун масъул бўлган генлар полиморфизминини ҳисобга олган ҳолда гиперлипидемияни коррекция қилиш ёндашувлари тамойиллари тўғрисидаги сўнгги йиллар маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Ортиқча тана вазнли беморларда гиперлипидемия клиник-лаборатор ва генетик хусусиятларини ўрганиш бўйича текширилган беморлар хусусиятлари ва тадқиқот усуллари»** батафсил ёритилган.

Клиник материал Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Жондор вилоят тиббиёт бирлашмаси бўлимларида стационар шароитида даволанган, юрак қон-томир тизими касалликлари (ЮҚТК) ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари (ТХТК) ташҳислари қўйилган 110 нафар беморлар клиник-лаборатор натижалари таҳлил қилинган.

Текширилган беморлар ёши 20 дан 60 ёшгача бўлиб, ўртача 35,5 йилни ташкил этган. Ёш кўрсаткичлари бўйича 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган беморлар 20 (8,2%), 31 ёшдан 40 ёшгача 20 (18,2%), 41 ёшдан 50 ёшгача 23 (20,9%), 51 ёшдан 60 ёшгача 32 (29,1%) ва 61 ёш ва ундан катталар 15 (13,6%) нафарни ташкил этган.

Ўрганилган беморларнинг жинси ва нозологик бирликлар бўйича тақсимланиши ЮҚТК касалликлари ТҲТК касалликларидан кўп учраганлигини кўрсатган (1-жадвал).

ТМИ аниқлаш учун Кетле усулидан фойдаланилган. Беморларда ортикча вазн ва турли даражадаги семириш даражаси аниқланган. Касалликнинг пайдо бўлишига олиб келадиган омилларга ирсий мойиллик мавжудлиги (18,0%), алиментар бузилишлар (26,4%), ёмон одатлар (16,4%) ва ёндош касалликлар (75,5%) мавжудлиги кириши кўрсатиб берилган.

Ортикча тана вазни бор бўлган беморларнинг клиник кўринишлари спектрида юрак оғриғи (90,0% ҳолларда), нафас қисиши (92,7%), ўтроқ ҳаёт тарзи (73,6%), диспептик синдром (69,1%), астеновегетатив синдром (56,4%) энг кўп тарқалганлиги аниқланган.

#### 1-жадвал

#### Текширилган беморларнинг нозологик бирликлар ва жинси бўйича тақсимланиши

Касаллик	Эркаklar		Аёллар		Жами	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
ТҲТК	26	23,6	25	22,7	51	46,4
ЮҚТК	32	29,1	27	24,6	59	53,6
Жами	58	52,7	52	47,3	110	100

Йўлдош касалликлар спектрининг муҳим қисми юрак ишемик касаллиги (10,9%), гипертония (19,1%), қандли диабет (12,7%), сурункали холецистит (14,5%), сурункали панкреатит (5,5%), сурункали ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси (10,9%), сурункали пиелонефрит (8,1%) нозологик бирликлари шаклида намоён бўлган. Беморларга қўйилган барча ташхислар 10-марта қайта кўриб чиқилган Халқаро Касалликлар Таснифи (ХКТ-10) асосида қўйилган.

Қондаги холестерин миқдорини липидга қарши омил билан аниқлаш учун қондаги холестерин ферментатив колориметрик тест ёрдамида аниқланган. Атеросклероз бўйича Европа жамияти 30 ёшгача бўлганлар учун 4,64 ммол/л (180 мг/дл) гача ва 30 ёшдан ошганлар учун 5,16 ммол/л (200 мг/дл) гача бўлган даражани «меъёр», деб ҳисоблашни тавсия қилади.

Юқори зичликдаги липопротеид (ЮЗЛП) ва паст зичликдаги липопротеид (ПЗЛП) холестеринни ферментатив аниқлашга асосланган тўғридан тўғри гомоген тест. Тўплам бевосита миқдорий аниқлаш учун мўлжалланган.

Ортиқча вазнли беморларда генотипни аниқлаш усуллари. Тадқиқот Миллий олимпия кўмитаси (МОК) қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази лаборатор диагностика бўлимида олиб борилган. ДНК олиш учун биологик материални йиғиш белгиланган инсон ҳуқуқлари тартибига мувофиқ амалга оширилди, бу субъектларнинг ёзма розилиги билан тиббий текширувдан сўнг амалга оширилган (инсон геноми ва инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларацияси; 1997 йил 11 ноябр). Геномик ДНК периферик веноз қондан ажратиб олинган. Қон олиш антикоагулянт сифатида К2-ЕДТА ўз ичига олган вакуум тизими ёрдамида амалга оширилган. ДНК изоляция ДНК/РНК изоляция кит (Рибот-тайёргарлик, Интерлабсервисе, РФ) кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилган). Реал вақтда ПЗР кўчириш натижаси ген ва генотиплар аниқланган.

Тана массаси индексини Кетле формуласи бўйича ҳисобладик:

$$\text{ИМТ (кг/м}^2\text{)} = \text{масса (кг)} / \text{рост (м}^2\text{)}$$

ТМИ қараб (ЖССТ таснифи бўйича, 1997) ажратилган: нормал тана оғирлиги 18.5-24.9 кг/м<sup>2</sup>, ортиқча тана оғирлиги - 25-29,9 кг/м<sup>2</sup>, семизлик I даражаси - 30-34.9 кг/м<sup>2</sup>, II даражали семизлик - 35-39,9 кг/м<sup>2</sup>, III даражали семизлик -  $\geq 40$  кг/м<sup>2</sup>.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлаш қуйидаги параметрларни ҳисоблаш билан амалга оширилган: арифметик ўртача (M), арифметик ўртача хатолик (t), ўртача квадратик четланиш, ишонч оралиғи. Эҳтимоллик даражаси  $p < 0,05$  бўлганда кўрсаткичлар орасидаги фарқлар муҳим ҳисобланган. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Ортиқча тана вазни ва семизлик кузатилган беморларда ген-генотиплар тарқалганлигининг ўзига хос хусусиятлари»** бўйича шахсий изланишлар натижалари келтирилган.

Ўрганиш давомида учта ген – ADRB2 (rs1042713) A>G; ADRB3 (rs4994) Trp64Arg ва PPARG2 (rs1801282)\_C34G ўрганилган, шунингдек уларга алоқадор етти генотип – A/A; A/G; Trp/Trp; Trp/Arg; C/G; C/C; G/G учраш даражаси ҳам таҳлил қилинган (2-жадвал).

Олинган натижалар шуни кўрсатганки, ген ва генотипларнинг учраш даражаси асосий гуруҳга асосан 51,5 ва 59,0 ёш оралиғида (ўртача 54,03 ёш) кузатилган: назорат гуруҳида 23,0 ва 28,7 ёш оралиғида (ўртача ёш 26,0 ёш) кузатилган. Келтирилган генлар бўйича ёш градациялари бир хил тарқалган бўлса, генотиплар бўйича бирмунча фарқли бўлди. C/C (51,5 ёш), Trp/Trp (52,1 ёш) ва A/G (52,3 ёш) генотиплари нисбатан ёш беморларда кўп учраган бўлса, G/G (57,0 ёш) ва Trp/Arg (59,0 ёш) генотиплари бирмунча ёши каттароқ беморларда аниқланди. Асосий ва назорат гуруҳларига мансуб беморлар орасида ёш бўйича катта фарқ борлиги эътиборли ҳолат сифатида эътироф этилган.

**Юрак қон-томир тизими касалликлари ташхисланган беморлар ёши ва жинси боғлиқ ҳолда ген ва генотиплар учраш даражаси**

Генлар	Генотиплар	Ёш		Жинс			
		АГ	НГ	Эркак		Аёл	
				АГ	НГ	АГ	НГ
ADRB2 (rs1042713) A>G	A/A	53,0	27,5	16/50,0	4/50,0	12/44,4	4/57,1
	A/G	52,3	25,6	16/50,0	4/50,0	15/55,6	3/42,9
ADRB3 (rs4994) Trp64Arg	Trp/Trp	52,1	26,5	28/87,5	6/75,0	27/100,0	7/100,0
	Trp/Arg	59,0	27,0	4/12,5	2/25,0	0/0	0/0
PPARG2 (rs1801282)_C34G	C/G	53,3	23,5	20/62,5	3/37,5	4/14,8	1/14,2
	C/C	51,5	28,7	12/37,5	4/50,0	19/70,4	5/71,4
	G/G	57,0	23,0	0/0	1/12,5	4/14,8	1/14,2
Жами		54,03	26,0	32/54	8/53	27/46	7/47

Изоҳ: суратда мутлок, махражида нисбий (%) кўрсаткичлар; АГ – асосий гуруҳ; НГ – назорат гуруҳи.

Жинсга боғлиқ ҳолат таҳлил қилинганда асосий (n=32) ва назорат (n=8) гуруҳларига мансуб эркакларда ген ва генотиплар учраш даражаси бири-бирига яқин бўлди. ADRB2,(rs1042713) A>G гени учраш даражаси ҳар иккала гуруҳда бир хил бўлган, шунга ўхшаш кўрсаткичлар ADRB3(rs4994) Trp64Arg ва PPARG2(rs1801282)\_C34G генларида ҳам кузатилган.


Аммо, генотиплар учраш даражаси бўйича эркакларда гуруҳлар орасида бирмунча фарқ аниқланган - Trp/Trp, C/G генотиплари асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кўп учраган бўлса, Trp/Arg, C/C ва G/G генотиплари мос равишда кам учради. Шунини таъкидлаш лозимки, асосий гуруҳ эркакларида барча 7 та генотип орасида Trp/Trp (32 тадан 28 та ҳолат, 87,5%), C/G (32 тадан 20 та ҳолат, 62,5%) генотиплари 50% лик натижадан кўп учраган бўлса, назорат гуруҳида учраш даражасини юқори бўлиши фақат Trp/Trp (8 тадан 6 та ҳолат 75,0%) генотипида кузатилган.

Аёлларда натижалар эркаклар кўрсаткичларидан бир мунча фарқ қилади. Асосий гуруҳда Trp/Trp (27 тадан 27 та ҳолат, 100,0%), C/C (27 тадан 19 та ҳолат, 70,4%), A/G (27 тадан 15 та ҳолат, 55,6%) генотипларининг учраш даражаси кўп бўлган бўлса, назорат гуруҳига мансуб аёлларда фарқли натижалар олинди – уларда Trp/Trp (7 тадан 4 та ҳолат, 57,1%) генотиплари кўп учраган. Асосий гуруҳдаги эркакларда Trp/Trp; Trp/Arg; C/G генотиплари кўп учраган бўлса, асосий гуруҳдаги аёлларда Trp/Trp, C/C, A/G генотиплари кўп учраган. Назорат гуруҳидаги эркакларда 50% лик чегарадан Trp/Trp генотипи ўтган бўлса, шу гуруҳдаги аёлларда Trp/Trp генотипидан ташқари C/C ва A/A генотипларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Умумий касаллар сони бўйича ген ва генотиплар учраши юқоридаги тенденцияни такрорлаган. Генлар ичида генотиплари учраш даражаси турлича бўлгани эътиборли ADRB2 (rs1042713) A>G гени генотиплари A/A

A/G амалий жихатдан бир хилда учраган бўлса (мос равишда 47,5% ва 52,5%), ADRB3 (rs4994) Trp64Arg генида Trp/Trp генотиби Trp/Arg генотипидан яққол устунлик кўринишида учради (мос равишда 94,6% 10,2%), PPARG2 (rs1801282)\_C34G генида яққол устунлик C/C генотипида C/G ва G/G генотипларига нисбатан бўлди (мос равишда 52,5% қарши 39,0% ва 5,1%). Асосий ва назорат гуруҳи кўрсаткичларига назар солсак, Trp/Trp генотипининг ҳар иккала гуруҳда кўп учраётганига эътибор берамиз – мос равишда 94,9% (n=56) ва 86,7% (n=13).

Учраш фоизлари бўйича жинслараро фарқ кузатилган бўлса ҳам, учраш тенденцияси бўйича катта фарқ аниқланмади (1-расм).




**1-расм. Юрак қон-томир тизими билан касалланган пациентларда генотиплар қиёсий учраш даражаси фоизи**

Кўриниб турибдики, Trp/Trp, C/C, A/G ва A/A генотиплари ҳар иккала гуруҳда ҳам бошқа генотипларга нисбатан кўп учраши билан тафовутланган, энг ками учраган генотип G/G эканлиги эътироф этилган.

Илмий ишнинг кейинги босқичида ген ва генотипларнинг гуруҳлар бўйича (асосий ва назорат) пациентлар бўйи, вазни ва тана массаси индекси (ТМИ) мослиги ўрганилган. Олинган натижалар шуни кўрсатганки, асосий гуруҳда ўрганилаётган ген ва генотипларнинг пациентлар бўйича боғлиқ фарқ қилувчи хусусиятлари кузатилган. Пациентлар бўйи ўлчамлари бўйича тафовутлар аниқланмаган, уларнинг пациентлар бўйича боғлиқлик хусусиятлари йўқлиги кўрсатиб берилган. Бу ген ва генотиплар ЮҚТК ташхисланган беморлар бўйи билан боғлиқ эмаслиги кўрсатиб берилган.

ТМИ бўйича ҳам шунга ўхшаш кўрсаткичлар олинди – асосий гуруҳда Trp/Arg (ўртача 31,0 бирлик), G/G (ўртача 30,0 бирлик) ва A/A (ўртача 31,0 бирлик) генотиплари; назорат – гуруҳида бўлса барча кўрсаткичлар амалий жихатдан бир хил бўлиб, ТМИ га тўғридан-тўғри боғлиқ генлар аниқланмаган (2-расм).



2-расм. Юрак қон-томир тизими ташҳисланган беморлар ген ва генотипларнинг тана массаси индекси кўрсаткичларига мос учраш даражаси, бирлик

Шундай қилиб, ЮҚТТК ташҳисланган беморлар ген ва генотиплари учраш даражаси уларнинг бўйи билан боғлиқ бўлмаган, генотипларга мос кескин фарқланувчи рақамлар аниқланмаган. Аммо, беморлар массасига боғлиқ ўзига хосликлар кузатилган. Ҳар иккала гуруҳда ҳам тана массаси нисбатан ортганлиги Trp/Arg, G/G ва A/A генотипларида кузатилган. Назорат гуруҳида ҳам шунга ўхшаш натижа кузатилган - Trp/Arg, G/G генотипларида. Демак, беморлар массаси ортиши асосан Trp/Arg ва G/G генотиплари билан боғлиқ бўлган, назорат гуруҳида ҳам шу кўрсаткичлар кузатилиши ушбу генотипларнинг ТМИ кўтарилиши билан боғлиқ.

Илмий ишнинг кейинги босқичида ушбу касалликка чалинган беморлар қонида холестерин ва ёғ кислоталари миқдорининг ген ва генотиплар аниқланиш даражасига боғлиқлиги ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Олинган натижалар шуни кўрсатганки (3-жадвал), қондаги холестерин миқдори назорат гуруҳида барча ҳолатларда меъёр кўрсаткичлар (референт кўрсаткичлар 3,1 мкмол/л дан 5,0 мкмол/л гача) доирасида бўлган. Ушбу кўрсаткичлар ўртача 3,9 мкмол/л дан 4,5 мкмол/л гача бўлиб, референт кўрсаткичлар доирасида бўлганлиги исботланган.

Назорат гуруҳи кўрсаткичларининг энг кўп миқдори ADRB3(rs4994) Trp64Arg генига қарашли Trp/Arg генотиби (4,5 мкмоль/л) ва PPARG2(rs1801282)\_C34G генининг G/G генотипига (4,4 мкмоль/л) тўғри келган. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, олинган натижалар назорат гуруҳида бир бирига жуда яқин бўлиб, яққол фарқли параметрлар аниқланмаган. Асосий гуруҳда бўлса, тафовут яққол намоён бўлган ( $P < 0,002$ ), олинган барча беморлар параметрлари меъёр кўрсаткичларидан (3,1-5,0 ммоль/л) сезиларли юқорилиги билан ажралиб турган - ўртача 6,9 ммоль/л дан 7,4 ммоль/л гача. Генлар ва генотиплар бўйича энг кўп аниқланиш назорат гуруҳига ўхшаш бўлган - ADRB3(rs4994) Trp64Arg генига қарашли Trp/Arg генотиби - ўртача 7,4 ммоль/л. Шунга ўхшаш кўрсаткич A/G (ўртача 7,1 ммоль/л) ва Trp/Trp генотибида (ўртача 7,0 ммоль/л) ҳам кузатилган ( $P < 0,05$ ).


**Юрак қон-томир тизими касалликлари кузатилган беморлар қонидаги холестерин ва ёғ кислоталарининг ген ва генотиплар учраш даражасига боғлиқлиги қиёсий кўрсаткичлари**

Генлар	Генотиплар	Холестерин, (3,1-5 ммоль/л)		ЮЗЛП (0,72-1,63 ммоль/л)		ПЗЛП (2,02-4,79 ммоль/л)	
		АГ	НГ	АГ	НГ	АГ	НГ
ADRB2 (rs1042713) A>G	A/A	6.9±0,17*	4,3±0,16	2.93±0,3*	1,03±0,04	6.94±0,5*	2,54±0,19
	A/G	7.1±0,13*	4,1±0,13	2.95±0,2*	1,08±0,05	6.97±0,3*	2,31±0,13
ADRB3 (rs4994) Trp64A <sub>rg</sub>	Trp/Trp	7.2±0,0,12*	4,2±0,12	2.96±0,2*	1,05±0,04	6.95±0,3*	2,41±0,14
	Trp/A <sub>rg</sub>	7.4±0,3*	4,5±0,36	2.67±0,4*	1,04±0,04	7.04±0,2*	2,60±0,1
PPARG2 (rs1801282) C34G	C/G	7.05±0,11*	3,9±0,18	2.89±0,3*	1,08±0,04	6.91±0,6*	3,0±0,13
	C/C	7.01±0,14*	4,3±0,16	2.97±0,2*	0,96±0,04	6.98±0,3*	2,29±0,14
	G/G	6.9±0,12*	4,4±0,26	3.01±0,3*	1,43±0,14	7.03±0,2*	3,35±0,6
Жами		7.05±0,12*	4,2±0,11	2,91±0,12*	1,10±0,03	6.97±0,2*	2,64±0,12

Изох: АГ - асосий гуруҳ, НГ - назорат гуруҳи. \*- асосий ва назорат гуруҳлар орасидаги ишончлилик белгиси.

Аниқлашича, беморларда (асосий гуруҳ) ортиқча вазн борлиги ТМИ юқорилигини белгилаб берган генотиплар (Trp/Arg, G/G, A/A) қонда холестерин миқдори юқори бўлган ҳолатда ҳам кўп кузатилгани бир хил генотиплар тана массаси ортиши, юқори ТМИ бўлиши, қонда холестерин концентрацияси ошгани билан боғлиқлиги исботланган. Бу ҳолатлар беморларда ЮҚТК келиб чиқишига асосий сабаб бўлишган, бундай ҳолатлар ортиқча тана вазни ошиши кузатилган беморлар учун ген-генотиплар тарқалишининг асосий ўзига хос хусусиятлари сифатида талқин қилинган.

Ортиқча тана вазни ва семизликда юқори ва паст зичликка эга липопротеинлар (ЮЗЛП ва ПЗЛП) ўрни юқорилигини инобатга олиб уларнинг беморлар ва назорат гуруҳига киритилган шахслар ген ва генотипларига боғлиқлиги солиштирма таҳлил қилинди (3-расм).




**3-расм. ЮҚТМ ташхисланган пациентлар қонида ЮЗЛП миқдорининг генотипларга боғлиқ солиштирма кўрсаткичлари, мкмоль/л**



Кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, ҳар иккала гуруҳда энг юқори кўрсаткич G/G генотип билан боғлиқ бўлган - мос равишда 3,01 ммоль/л ва 1,43 ммоль/л ( $P < 0,05$ ). Бу ҳолат ҳар иккала гуруҳда бир хил бўлган. Аммо, бундан фарқли равишда беморларда катта кўрсаткичлар Trp/Trp ва C/C генотипларига ҳам мансуб бўлди - мос равишда ўртача 2,96 ммоль/л ва 2,97 ммоль/л ( $P < 0,05$ ). Назорат гуруҳида бундай яққол фарқ кузатилмаган.

Бундан ташқари назорат гуруҳи параметрлари меъёр кўрсаткичлари доирасида бўлган бўлса (референт миқдорлар 0,72-1,63 ммоль/л), асосий гуруҳ параметрлари меъёр маълумотларидан сезиларли юқорилиги билан ажратиб турган - ўртача 2,67 ммоль/л дан 3,01 ммоль/л гача. Барча кўрсаткичлар тана массаси юқорилиги, ТМИ, холестирин миқдорининг қонда меъёрдан ошиши билан узвий боғлиқ бўлган, назорат гуруҳида бундай боғлиқлик кузатилмаган. Шу сабабли асосий гуруҳдаги бундай боғлиқликлар «патологик боғлиқликлар», назорат гуруҳидаги боғлиқликлар «физиологик боғлиқликлар» деб талқин қилинган.

Шунга ўхшаш натижалар қондаги ПЗЛП бўйича ҳам олинди (4-расм).



**4-расм. ЮҚТТК кузатилган беморлар ПЗЛП миқдорининг генотипларга боғлиқ қиёсий кўрсаткичлари, ммоль/л**

ЮҚТК кузатилган беморлардагига ўхшаш тадқиқотлар ТҲТК ташҳисланган беморларда ҳам ўтказилган. Солиштириш осон бўлиши учун уларда ҳам худди шу ген ва генотиплар аниқланган. Олинган натижалар шуни кўрсатганки, таққослаш гуруҳида барча ген ва генотиплар учраш даражаси ўртача ёши назорат гуруҳига нисбатан барча ҳолатларда катта бўлган (4-жадвал).

Ҳар иккала гуруҳда ҳам энг юқори ёш градацияси бир хил ген ва генотипда учраган - мос равишда ТГда 50,6 ёш ва НГда 28,7 ёш PPARG2(rs1801282)\_C34G генига қарашли C/C генотипида. Энг ёш беморлар гуруҳида ҳам аниқ қонуният кузатилди, бундай ҳолатда ҳам битта ген ва G/G генотипида бўлди-мос равишда 41,0 ёш ва 23,0 ёш.

4- жадвал

Таянч-ҳаракат тизими касалликлари ташҳисланган беморларда ёш ва жинсига боғлиқ холда ген ва генотиплар учраш даражаси, %

Генлар	Генотип	Ёши		Жинс			
				Эркак		Аёл	
		ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
ADRB2 (rs1042713) A>G	A/A	47,4	27,5	11/42,3	4/50,0	11/44,0	4/57,1
	A/G	50,1	25,6	15/57,7	4/50,0	14/56,0	3/42,9
ADRB3 (rs4994) Trp64A <sub>rg</sub>	T <sub>rp</sub> /T <sub>rp</sub>	41,5	26,5	19/73,1	6/75,0	19/76,0	7/100,0
	T <sub>rp</sub> /A <sub>rg</sub>	47,3	27,0	7/26,9	2/25,0	5/20,0	0/0
PPARG2 (rs18012 82)_C34G	C/G	46,3	23,5	7/26,9	3/37,5	5/20,0	1/14,3
	C/C	50,6	28,7	15/57,7	4/50,0	19/76,0	5/71,4
	G/G	51,0	23,0	4/15,4	1/12,5	0/0	1/14,3
Жами		46,2	26,0	26/51	8/53	25/49	7/47

Изоҳ: ТГ-таққослаш гуруҳи; НГ-назорат гуруҳи.


Эркак жинсига мансуб ТГга киритилган беморларда энг кўп учраган генотип T<sub>rp</sub>/T<sub>rp</sub> бўлган - 73,1% (n=19), аёлларда ҳам худди шунга ўхшаш натижа қайд қилинган - 75,0% (n=6) учраш даражаси айнан шу генга (T<sub>rp</sub>/T<sub>rp</sub>) тўғри келган. Энг кам учраш даражаси бўйича ҳам ТГ ва НГларга кирувчи эркакларда битта генотипда кузатилган - G/G да мос равишда 15,4% (n=4) ва 12,5% (n=1). Бундай аниқ қонуният ушбу касалликка хос бўлиб, патологик жараён организмда генотипик даражада ўзгаришлар келиб чиқмагани билан изоҳланади.

Аёлларда ҳам кўрсаткичлар амалий жихатдан бир хил бўлган - энг кўп учраш фоизи T<sub>rp</sub>/T<sub>rp</sub> генотипига тўғри келса, энг ками G/G генотипига тўғри келган. Жинслараро тафовут кузатилишида ТХТК учун ўзига хос хусусият сифатида талқин қилинган. ТГга мансуб эркаклар ва аёлларда, шунингдек НГга мансуб турли жинсларга мансуб шахсларда ҳам айнан шу генотипларга таалуқлиги эътиборлидир.

Ушбу беморларда ген ва генотиплар учраш даражаси беморлар бўйи ва оғирлигига боғлиқлиги ўрганилган. Беморлар бўйича боғлиқлик ТГда T<sub>rp</sub>/A<sub>rg</sub> генотипи ва A/G генотипларида кузатилган, НГда бўлса бу боғлиқлик G/G ва C/C генотипларида кузатилган. ТГ ва НГларида беморлар бўйича маълум қонуниятлар кузатилмаган. Энг юқори вазн G/G генотипда (ҳар иккала солиштирилаётган гуруҳда ҳам) учраган. ТМИ бўйича ҳам шундай қонуният кузатилган.

Учраш даражаси бўйича ҳам ўзига хос хусусиятлар кузатилган. Эътиборли жихати шундаки, таққослаш гуруҳида T<sub>rp</sub>/T<sub>rp</sub> генотипи энг кўп учраган - 74,5%. Кейинги ўринда C/C генотипи (68,9%) ва A/G генотипи (56,9%) бўлишган. Энг кам учраш даражаси G/G генотипи (5,9%) ва C/G генотипларида (25,5%) учраган. Назорат гуруҳида энг кўп учраган генотип T<sub>rp</sub>/T<sub>rp</sub> бўлган (86,7%), кейинги ўринларда C/C генотипи (60,0%) ва A/A

